



НОКИМИ

Q A R O R

2010 yil "20" Сентябр

223-Q Sonli

Samarqand tumani

“Фуқаро Холиёров Дилшодга “Паррандачилик” кўрғони ҳудудидан маиший хизмат мажмуаси қуришга ер майдони ажратиш тўғрисида”

“Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Паррандачилик” кўрғонида яшовчи фуқаро Холиёров Дилшод туман ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилиб, Паррандачилик кўрғони ҳудудидан маиший хизмат мажмуаси қуришга рухсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 27 июлдаги 797-сонли хулосаси, туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 2 июлдаги 86-сонли хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Фуқаро Холиёров Дилшодга “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини “Паррандачилик” кўрғони ҳудудидан маиший хизмат мажмуаси қуриш учун 72 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Холиёров Дилшодга маиший хизмат мажмуасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириғи (АРТ), лойиха ҳужжатларини тайёрлаб давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев